Мисол. $f(x) = 2x^3 - 15x^2 + 36x - 14$. Функциянинг экстремум қийматлари аниқлансин.

Ечиш. Функция дифференциалланувчи бўлганлиги сабабли $f'(x) = 6x^2 - 30x + 36 = 6(x - 2)(x - 3)$, унинг критик нуқталари $x_1 = 2$ ва $x_2 = 3$. Экстремумлар фақат манашу нуқталарда бўлиши мумкин. Шундай қилиб

$x_1 = 2$ нуқтадан ўтишда ҳосила ишорасини плюсдан минусга ўзгртирса, у ҳолда бу нуқтада функция максимумга эга. $x_2 = 3$ нуқтадан ўтишда ҳосила ишорасини минусдан плюсга ўзгартиради, демак бу $x_2 = 3$ нуқтада функции минимумга эга. Функциянинг қийматларини бу $x_1 = 2$ и $x_2 = 3$ нуқталарда ҳисоблаб, функциянинг экстремумларини аниқлаймиз: максимум $f(2) = 14$ ва минимум $f(3) = 13$.

Функциянинг экстремум нуқталарини аниқлашнинг алгоритмик усули:

```
//Lab-5. Algoritmik  usul
//C++ da funktciyaning Max va Min nuqtalarini  aniqlash dasturi
// IF buyrug'i bilan
#include<iostream.h>
//#include<conio.h>
#include<math.h>
int main()
 {
    float a,b,x,h,y1,y2,y3;
    int i,k,n;
    cout<<" a,b,n= "<<endl;
    cin>> a>>b>>n;
    cout<<endl;
     h=(b-a)/n;
     cout<<"   h="<<h<<endl;
     i=1;k=0;
     x=a;
     y1=x*x*x*x+20*sin(x)-6*x*x-10;
     x=x+h;i=i+1;
     y2=x*x*x*x+20*sin(x)-6*x*x-10;
     x=x+h;i=i+1;
     y3=x*x*x*x+20*sin(x)-6*x*x-10;
  m6://cout<<"   "<<y1<<"   "<<y2<<"   "<<y3<<endl;
    if ((y1<y2)&&(y2>y3)) { x=x-h; cout<<"  x = "<<x<<"  y2 = "<<y2<<"  k=1
maximum"<<endl;k=1;}
    if ((y1>y2)&&(y2<y3)) { x=x-h; cout<<"  x = "<<x<<"  y2 = "<<y2<<"  k=2
minimum"<<endl;k=2;}
     y1=y2; y2=y3;
     x=x+h;
     y3=x*x*x*x+20*sin(x)-6*x*x-10;
     i=i+1;
```

```
   if (i<=n) goto m6;
   if (k=0) cout<<"   v intervale [a,b] min  i max net"<<endl;
m7:k=0;
return 0;
}
```

Назорат саволлари

1. фунцкциянинг критик нуқталари

2.функциянинг экстремум нуқталари

3. функциянинг критик нуқталарини аниқлашнинг аналитик усуллари

4. функциянинг критик нуқталарини аниқлашнинг алгоритмик усули

5. Функциянинг биринчи, иккинчи тартибли ҳосилалари

6. функциянинг ўсувчилиги ёки камаювчилигини аниқлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Кудрявцев Л. Д.* Гл. 1. Дифференциальное исчисление функций одного переменного // Математический анализ. Т. 1. С. 190—195.
2. *Фихтенгольц Г. М.* Гл. IV. Исследование функций с помощью производных // Курс дифференциального и интегрального исчисления. — 8-е изд. — М.: ФИЗМАТЛИТ, 2001. — Т. 1. — С. 294—305. — 5000 экз. — ISBN 5-9221-0156-0

6-Тажриба иши

Чизиқли алгебраик тенгламалр системасини ечишнинг тўғри методлари

Мақсад *Чизиқли тенгламалар системасини (ЧТС) Гаусс усулида ечиш услубини ўрганиш, ҳисоблаш алгоритмини қуриш, программасини ёзиш, программани отладка қилиш, ЭҲМда натижани олиш ва текшириш.*

Топширик *А) Чизиқли тенгламалар системасини Гаусс усулида ечиш методикасини, кетма-кетлигини тавсифлаш;*

Б) ЧТС учун Гаусс усулини алгоритмини қуриш;

С) программасини ёзиш ва ЭХМда отладка килиш;

Д) берилган вариантни отладка килинган программа ердамида ЭХМда натижани олиш;

Е) натижани ЭҲМ ҳамда калькулятор ёрдамида текшириш;

З) ҳисобот езиш

1. Чизиқли тенгламалар системасини Гаусс усулида ечиш

Бизга қуйидаги чизиқли тенгламалар системаси берилган бўлсин:

$$a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + \ldots + a_{1n}x_n = b_1$$
$$a_{21}x_1 + a_{22}x_2 + \ldots + a_{2n}x_n = b_2$$
$$\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots$$
$$a_{n1}x_1 + a_{n2}x_2 + \ldots + a_{nn}x_n = b_n$$

Белгилаймиз:

$$Ax = B, \quad A = \{a_{ij}\}, \quad B = \{b_i\}, \quad i, j = 1,2,\ldots,N.$$

A матрицага *B* вектор устунни бириктириб кенгайтирилган *C* матрицани ҳосил қиламиз:

$$C = \{c_{ij}\},\ i = 1,2,\ldots,N,\ j = 1,2,\ldots,N+1,$$

бу ерда $c_{ij} = a_{ij}\ ,\ \ i, j = 1,2,\ldots,N;\ \ c_{i\,n+1} = b_i,\ i = 1,2,\ldots,N.$

ЧТСни Гаусс усулида ечиш икки босқичда амалга оширилади:

I. Боскич: Гауссни тўғри йўли. Бу боскич асосан номаълумларни йўқотиш деб аталади ва бу икки кисмдан иборат бўлиб *N-1* марта амалга оширилади:

А) *C* матрицани ҳар бир қаторини, қаторнинг биринчи элементига бўлиб (БЎЛИШ) чиқамиз

$$R = c_{il};\ c_{ij} = c_{ij} / R;\ i = 1,2,\ldots,n;\ j = 1,2,\ldots,n+1;$$

Б) Матрицани l+1 – чи каторидан бошлаб барча каторларнинг ўрнига мазкур қаторни l-қатордан айирмаси ёзилади, яъни

$$c_{ij} = c_{lj} - c_{ij}\ ,\ i = l+1, l+2, \ldots, N;\ j = 1,2,\ldots, n+1;$$

Натижада C матрицанинг ўрнида учбурчак матрица ҳосил бўлади.

II. Боскич. Гаусснинг тескари йўли деб аталади ва номаълумларнинг қийматлари аниқланади:

$$x_n = \frac{c_{n\,n+1}}{c_{nn}}$$ ни қиймати ҳисобланади;

Гаусснинг тескари йўли бўйича қолган номаълумларнинг қийматлари қуйидагича аниқланади:

$$x_i = c_{in-1} - S;\ S = \sum_{j=i+1}^{n} x_j c_{ij}\ ,\quad i = n-1, n-2, n-3, \ldots, 1.$$

ЧТСни Гаусс усулида ечишнинг йириклашган алгоритми блок-схема кўринишида қуйидаги расмда келтирилган.

Номаълумларнинг сон қийматлари босиб чиқарилади. Натижа $x = \{x_i\}, i = 1,2,..,n$ ларни ЧТС га қўйиб текширамиз. Агар $\sum_{j=1}^{n} a_{ij} x_j = b_i$, $i = 1,2,\ldots, n$ тенглик 0.001 аниқлик билан бажарилса ечим тўғри деб ҳисобланади, акс ҳолда масала ечилмаган деб ҳисобланади.


Бошлаш
A матрица ва B векторнинг қийматларини ЭҲМ хотирасига киритиш ва босиб чиқариш
Кенгайтирилган C матрицани ҳосил қилиш
L = 1 , N - 1
Б Ў Л И Ш
А Й И Р И Ш
Номаълумларнинг қийматини ҳисоблаш ва босиб чиқариш
Номаълумларни ЧТСга қўйиб текшириш
Т А М О М

2. Чизиқли тенгламалар системасини тескари матрицадан фойдаланиб ечиш

Мақсад: *Чизиқли тенгламалар системасини тескари матрицани хисоблаш усулидан фойдаланиб ечиш кўникмасини ҳосил қилиш*

Топшириқ: *Матрицанинг тескарисини ҳисоблаш алгоритмини Гаусс усулидан фойдаланиб ишлаб чиқиш, натижани ЭҲМ ёрдамида олиш ва текшириш*

Бизга қуйидаги чизиқли тенгламалар системаси (ЧТС) берилган бўлсин:

$$
\begin{array}{l}
a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + \ldots + a_{1n}x_n = b_1 \\
a_{21}x_1 + a_{22}x_2 + \ldots + a_{2n}x_n = b_2 \\
\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots \\
a_{n1}x_1 + a_{n2}x_2 + \ldots + a_{nn}x_n = b_n
\end{array}
$$

Чизиқли тенгламалар системасини матрица кўринишида ифодаланиши:

$$Ax = B, \quad A = \{a_{ij}\}, \quad B = \{b_i\}, \quad i, j = 1,2,\ldots,N.$$

$$X = A^{-1}B.$$

$A^{-1} - A$ матрицанинг тескарисини Гаусс усулидан фойдаланиб ҳисоблаган мақсадга мувофиқдир. Маълумки, дастлабки матрицани унинг тескарисига кўпайтмаси бирлик матрицани ҳосил қилади, яъни

$A \cdot A^{-1} = E,$ бу ерда E - бирлик матрица.

N – тартибли ЧТС ни озод ҳадларини кетма-кет N – тартибли бирлик матрицанинг устун элементлари билан алмаштириб, мос равишда N маротаба Гаусс усулида ечамиз:

K=1

$$
\begin{aligned}
&a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + \ldots + a_{1n}x_n = 1 \\
&a_{21}x_1 + a_{22}x_2 + \ldots + a_{2n}x_n = 0 \\
&\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots \\
&a_{n1}x_1 + a_{n2}x_2 + \ldots + a_{nn}x_n = 0
\end{aligned}
$$

K=2

$$
\begin{aligned}
&a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + \ldots + a_{1n}x_n = 0 \\
&a_{21}x_1 + a_{22}x_2 + \ldots + a_{2n}x_n = 1 \\
&\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots \\
&a_{n1}x_1 + a_{n2}x_2 + \ldots + a_{nn}x_n = 0
\end{aligned}
$$

. . . .

K=N

$$
\begin{aligned}
&a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + \ldots + a_{1n}x_n = 0 \\
&a_{21}x_1 + a_{22}x_2 + \ldots + a_{2n}x_n = 0 \\
&\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots \\
&a_{n1}x_1 + a_{n2}x_2 + \ldots + a_{nn}x_n = 1
\end{aligned}
$$

Натижада олинган ечимлар тўплами $X = \{x_{ik}\},\ i,k = 1,2,\ldots,N$ тескари матрицанинг элементларини ҳосил қилади, яъни

$$A^{-1} = \{x_{ik}\},\ i,k = 1,2,\ldots,N,$$

x_{i1} –	Е матрицани 1-устунини ЧТС озод ҳадлари қилиб олингандаги ечимлар, I = 1,2, . . . , n;
x_{i2} –	Е матрицани 2-устунини ЧТС озод ҳадлари қилиб олингандаги ечимлар, I = 1,2, . . . , n;
x_{in} –	Е матрицани n-устунини ЧТС озод ҳадлари қилиб олингандаги ечимлар,

	I = 1,2, . . . , n.

Берилган ЧТС учун A^{-1}- тескари матрицани Гаусс усулида ҳисоблаш ва номаълумларни аниқлашнинг йириклашган, модуллик алгоритмини блок-схемаси қуйидаги 13-расмда келтирилган.

Белгилашлар:

$$A=\{a_{ij}\},\quad B=\{b_i\},\ E=\{e_{ij}\},\ i,j=1,2,\ldots,N.$$

$$T=A^{-1};\ T=\{t_{ij}\},\ t_{ij}=x_{ik},\quad i,k=1,2,\ldots,N,\ j=k$$

$$X=T\cdot B;\quad X=\{x_i\},\quad i=1,2,\ldots,N.$$

ЧТС ни ечишнинг тўғри усуллари (мустақил ўзлаштирилади)

1. ЧТС ни Крамер (детерминантлар) формуласидан фойдаланиб ечиш
2. ЧТС ни Тескари матрицадан фойдаланиб ечиш
3. ЧТС ни Гаусс усулидан фойдаланиб ечиш
4. ЧТС ни Бош элементлар методидан фойдаланиб ечиш
5. ЧТС ни Квадрат илдиз методидан фойдаланиб ечиш
6. ЧТС ни Халецкий схемасидан фойдаланиб ечиш
7. ЧТС ни Итерация (оддий) усулидан фойдаланиб ечиш
8. ЧТС ни Зейдел методидан фойдаланиб ечиш
9. ЧТС ни Тескари матрицасини Халецкий усулида аниқлаб ечиш
10. ЧТС ни Тескари матрицасини Гаусс усулида аниқлаб ечиш


Бошлаш
A,B ларнинг кийматларини киритиш
K = 1 , N
I = 1 , N
I = k
$a_{i\,n+1} = 1$
$a_{i\,n+1} = 0$
Гаусс алгоритми
I = 1 , N
$t_{ik} = x_i$
Текшириш $A \cdot T = E$
$X = T \cdot B$
ЧТС ни текшириш Ax = B
Тамом

Назорат саволлари

1. ЧТС ни Крамер (детерминантлар) формуласидан фойдаланиб ечиш алгоритми
2. ЧТС ни Тескари матрицадан фойдаланиб ечиш алгоритми
3. ЧТС ни Гаусс усулидан фойдаланиб ечиш алгоритми
4. ЧТС ни Бош элементлар методидан фойдаланиб ечиш алгоритми
5. ЧТС ни Квадрат илдиз методидан фойдаланиб ечиш алгоритми
6. ЧТС ни Халецкий схемасидан фойдаланиб ечиш алгоритми
7. ЧТС ни Итерация (оддий) усулидан фойдаланиб ечиш алгоритми
8. ЧТС ни Зейдел методидан фойдаланиб ечиш алгоритми
9. ЧТС ни Тескари матрицасини Халецкий усулида аниқлаб ечиш алгоритми
10. ЧТС ни Тескари матрицасини Гаусс усулида аниқлаб ечиш алгоритми

Ҳисоботнинг таркиби:

1. Масаланинг қўйилиши, мақсаднинг аниқланиши
2. Бажариш топшириғи
3. Масалани ечишнинг қискача назарий кисми
4. Масалани ЭХМда ечиш алгоритми, блок-схемаси
5. Масалани алгоритмик тилда ёзилган программаси
6. Программани отладка ва тестлаш жараени
7. ЭХМ ёрдамида олинган натижалар
8. Натижаларни калькулятор ёрдамида текшириш натижалари
9. Хулоса
10. Адабиётлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Демидович Б.П., Марон И.А. Основы вычислительной математики. – М.: Наука, 1970. – 665 с.

2.Воробьева Г.Н., Данилова А.Н. Практикум по вычислительной математике: Учеб.пособие для техникумов. – 2-е изд., перераб. И доп. – М. Высш.школа, 1990. – 208 с.

3. Соловейчик Ю.Г. и др. Численные методы решения систем уравнений. Новосибирский ГТУ, 2004.

4. http://www.pdffactory.com

7-Тажриба иши
Ўйинлар назарияси

Мақсад: Ўйинлар назарияси методлари ва алгоритмларини қарор қабул қилиш масалаларига тадбиқ қилиш амалиётини ва кўникмасини ҳосил қилиш.

Топшириқлар: 1. Тизимли таҳлил ва ўйинлар назарияси.

2. Матрицали ўйинлар.

3. Ўйиннинг қуйи ва юқори баҳолари.

4. Матрицали ўйиннинг ечими.

5. Матрицали ўйинларни симплекс усулида ечимини топиш

Ўйинлар назарияси ҳақида қисқача маълумот

Чизиқли, чизиқсиз ва динамик дастурлаш масалаларида ечимлар қабул қилиш маълумотларнинг тўлалигини назарда тутган ҳолда амалга оширилади. Бошқача айтганда, масаладаги номаълум параметрларни топиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотлар аниқ бўлади. Бу масалаларда ечимлар қабул қилиш аниқлик шароитида амалга оширилади.

Иқтисодий амалиётдаги кўп масалаларда ноаниқликда ечим қабул қилиш зарурияти туғилади. Ноаниқликда ечим қабул қилиш икки хил ҳолатда амалга оширилиши мумкин:

1. Ечим қабул қилувчи шахс (ЕҚҚШ) об-ҳавога, инфляция даражасига, бозордаги нарх-навога, давлатдаги сиёсий ҳолатга ва бошқа «табиат» ҳолатларига қараб ечим қабул қилади. Бу ерда «табиат» деганда ечим қабул қилиш учун зарур бўлган ташқи ҳолатлар мажмуасини тушунамиз. ЕҚҚШнинг «табиат»ни турли ҳолатига қараб ечим қабул қилиш жараёнини ўйин деб қараш мумкин. Бундай ўйин, яъни рақобат мавжуд бўлмагандаги ечимлар қабул қилиш назарияси «табиатга қарши

ўйин» деб аталади. Бу ўйинда «табиат» ечим қабул қилувчи шахс учун рақиб ролини бажарса ҳам, у онгли рақиб бўла олмайди, у ўз ютуғига бефарқ бўлади ва ўз рақиби хатоларидан фойдаланиш нияти ҳам бўлмайди.

2. Ечимлар қабул қилиш рақобат мавжуд бўлган вазиятда амалга оширилади. Бу ҳолда икки ёки ундан кўпроқ қатнашувчилар ўзаро рақобатда бўлиб, уларнинг ҳар бири рақибидан иложи борича кўпроқ ютуқ олишга ҳаракат қилади. Улардан ҳар бирининг эришган натижалари қолган томонларнинг ўз мақсадига эришиш йўлидаги ҳаракатига боғлиқ бўлади. Бундай иқтисодий жараёнлар «рақобатли» деб аталади.

Шахмат, шашка, домино ва бошқа ўйинлар рақобатли жараёнларни ифодаловчи ўйинлар ҳисобланади. Бундай ўйиндаги ҳар бир юришда бир ўйинчининг ютуғи иккинчисининг юришига боғлиқ бўлади. Ўйиннинг мақсади ўйинчиларнинг биттасини ютишидан иборат.

Иқтисодиётдаги рақобатли ҳолатларга таъминотчи ва истеъмолчилар, сотувчилар ва харидорлар, банклар ва мижозлар ораларидаги муносабатлар мисол бўлаолади. Бу муносабатлардаги рақобатли ҳолатлар томонларнинг интилишлари зиддиятлилигидан келиб чиқади. Рақобатли ҳолатларда ечим қабул қилувчи шахс фақат ўз мақсадини кўзлашдан ташқари рақибининг мақсадини назарга олиши ҳамда унинг қабул қилиши мумкин бўлган ечимини олдиндан кўра билиши керак. Шундай қилиб, рақобатли ҳолатлардаги масалаларни ечиш учун илмий асосланган усуллар талаб қилинади.

Рақобатли ҳолатларнинг математик назарияси **«Ўйинлар назарияси»** деб аталади.

Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари. Математиканинг рақобатли ҳолатларини, яъни қанташувчиларнинг манфаатлари қарама-қарши ёки бир-бирига мос келмайдиган ҳолатларни ўрганувчи бўлими - **«ўйинлар назарияси»** деб аталади. Ўйинлар назарияси - рақобатли ҳолатда қатнашаётган ҳар бир ўйинчига энг катта ютуққа (ёки энг кичик ютқазишга) эришиш учун қилинадиган ҳаракатларнинг энг яхшисини (оптималини) аниқлаш учун йўлланма беришга имкон берувчи математик назариядир.

Кўпгина иқтисодий жараёнларга ҳам ўйинлар назарияси нуқтаи-назаридан қараш мумкин. Масалан, ўйин иштирокчилари - бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар, таъминотчилар ва истеъмолчилар бўлиб, ўйининг ютуғи - ишлаб чиқариш фондларининг самарадорлиги, даромад маблағлари, маҳсулотнинг баҳоси ёки таннархи бўлиши мумкин.

Ўйинлар назарияси нисбатан ёш фанлар қаторига киради. Унинг пайдо бўлиши фон Нейман ва Моргенштернларнинг 1944 йил нашр этилган «Иқтисодий жараёнлар ва ўйинлар назарияси» монографияси билан боғлиқ. Кейинчалик ўйинлар назарияси амалий тадбиқларга эга бўлган мустақил йўналиш сифатида ривожланди.

Шуни таъқидлаш лозимки, ўйинлар назариясининг усуллари ва хулосалари кўп марта такрорланадиган рақобатли ҳолатларга нисбатан ишлатилади.

Амалда, рақобатли ҳолатларни математик усуллар ёрдамида тадқиқ этишда, муҳим бўлмаган фактларни ташлаб юбориб, ҳолатларнинг содда модели тузилади.

Ўйин - рақобатли ҳолатларни ифодаловчи моделдан иборат бўлиб, унинг ҳақиқий рақобатдан фарқи шундан иборатки, у маълум бир қоида асосида амалга оширилади.

Ҳар бир ўйинчининг маълум мақсадга эришиш ниятида бажариши мумкин бўлган ҳаракатлари **ўйиннинг қоидалари** деб аталади.

Ўйиннинг натижаларини миқдорий баҳолаш **тўлов** деб аталади. Ўйиннинг моҳияти шундан иборатки, унда ҳар бир ўйинчи ўзига энг яхши натижа берувчи ечимни танлашга ҳаракат қилади.

Ўйинда иккита ёки ундан кўп иштирокчиларнинг манфаатлари тўқнашиши мумкин. Шунга мувофиқ, у **икки ўйинчили** ва **кўп ўйинчили** бўлиши мумкин.

Агар ўйинда фақат иккита ўйинчи қатнашса, бундай ўйин **«жуфтли ўйин»** деб аталади.

Агар жуфтли ўйинда бир ўйинчининг ютуғи иккинчи ўйновчининг ютқазувига тенг бўлса, бундай ўйин **«0- суммали ўйин»** деб аталади. 0-суммали ўйинда ўйинчиларнинг умумий капитали ўзгармайди, фақат ўйин давомида қайта тақсимланади ва шу сабабли ютуқлар йиғиндиси нолга тенг бўлади, яъни В1+ В 2+...+ В н=0 бу ерда в н - н-ўйинчининг ютуғи.

Нол суммали бўлмаган ўйинда ўйинчилар ютуқлари йиғиндиси нолдан фарқли бўлади. Масалан, лоторея ўйинида, ўйинчилар қўйган бадалнинг бир қисми лоторея ташкилотчиларига берилади. Шунинг учун

В 1+ В 2+.+ В н<0 тенгсизлик ўринли бўлади.

Биз бу ерда амалий аҳамияти катта бўлган ўйинлар - жуфт ўйинларни қараш билан чекланамиз. Ўйин иштирокчиларини А ва Б орқали белгилаймиз.

Ўйин жараёнида рўй бериши мумкин ҳар қандай ҳолатга мувофиқ равишда ўйновчининг қўллаши мумкин бўлган қоидалар бирлашмаси **«стратегия»** деб аталади. Стратегиянинг сонига қараб, ўйинлар **чекли** ёки **чексиз** ўйинларга бўлинади. **Оптимал стратегия** деб, тайин бир ўйинчига, ўйин бир неча марта такрорланганда энг катта мумкин бўлган ўртача ютуқни таъминловчи стратегияга айтилади.

Матрицали ўйинни чизиқли программалаш усули билан ечиш.

Ҳар қандай *а* - суммали жуфт ўйинни қуйидаги матрица кўринишида ифодалаш мумкин:

$$A = \begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & \dots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & \dots & a_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{m1} & a_{m2} & \dots & a_{mn} \end{pmatrix}$$

Бу матрицанинг қаторлари I ўйинчининг мумкин бўлган A_1, A_2 ... , A_m юришларини устунлари эса II ўйинчининг мумкин бўлган B_1, B_2, ... ,B_n юришларига мос келади. $A=(a_{ij})$ матрица тўловлар матрицаси ёки ютуқ матрицаси деб аталади. Матрицанинг ҳар бир a_{ij} элементи I ўйинчи A_i юришни танлаб, II ўйинчи B_j юришни танлагандаги I ўйинчининг ютуғини (II ўйинчининг ютқазувини) англатади.

Ўйиннинг мақсади I ўйинчини максимал ютуққа ва II ўйинчини минимал ютқазувга эришишларини таъминловчи энг маъқул стратегияни танлашдан иборат.

Агар I ўйинчи бирор A_i стратегияни танласа у ҳеч бўлмаганда

$$a_i = \min_j a_{ij}$$

ютуққа эришади. Буни ҳисобга олиб бу ўйинвчи ўзининг энг кам ютуқларини максималлаштирувчи, яъни

$$\alpha = \max_i \min_j a_{ij} \qquad (1)$$

тенгликни таъминловчи юришни танлайди.

Бу ерда α катталик I ўйновчининг кафолатланган ютуғидан иборат бўлади ва ўйиннинг қуйи баҳоси деб аталади. Бу баҳони таъминловчи i_0 стратегия махмин деб аталади.

II ўйновчи, ўз навбатида, ўзининг энг катта мумкин бўлган ютқазувларини минималлаштирувчи, яъни

$$\beta = \min_j \max_i a_{ij} \qquad (2)$$

тенгликни таъминловчи юришни танлайди β катталик ўйининг юқори баҳоси деб аталади: бу баҳони таъминловчи j_0 стратегия минимах дейилади. Агар α = β бўлса, яъни

$$V = \max_i \min_j a_{ij} = \min_j \max_i a_{ij}$$

тенглик бажарилса, у ҳолда V ўйиннинг бахоси деб аталади. Бу шартни қаноатлантирувчи A матрицанинг $a_{j_0 i_0}$ элементи ўйиннинг эгар нуқтаси деб аталади.

Демак матрицали ўйин эгар нуқтага эга бўлса, унинг ечимини махсмин ва минимахс усуллари билан топилади.

1-мисол. Берилган матрицали ўйин учун қуйи ва юқори баҳоларни ҳамда ўйиннинг оптимал бахосини топинг.

$$A = \begin{pmatrix} 3 & 1 & 2 \\ 2 & 4 & -1 \\ 5 & 7 & 6 \end{pmatrix}$$

Матрицанинг каторларидаги энг кичик элементлар қуйидагидан иборат:

$$\min_j (3, \ 1, \ 2) = 1,$$

$$\min_j (2, \ 4, \ -1) = -1,$$

$$\min_j (5, \ 7, \ 6) = 5$$

Демак ўйиннинг қуйи баҳоси

$$\alpha = \max_i(\min_j a_{ij}) = \max_i(1, \ -1, \ 5) = 5$$

бўлади. Энди ҳар бир устундаги энг катта элементларни топамиз.

$$\max_i (3, \ 2, \ 5) = 5,$$

$$\max_i (1, \ 4, \ 7) = 7,$$

$$\max_i (2, \ -1, \ 6) = 6$$

У ҳолда ўйиннинг юқори баҳоси қуйдагига тенг бўлади.

$$\beta = \min_j (\max_i a_{ij}) = \min_j(5, \ 7, \ 6) = 5$$

Ушбу ўйиндаги қуйи ва юқори баҳолар ўзаро тенг. Демак, ўйиннинг оптимал баҳоси

$V = \alpha = \beta = 5$ бўлади.

Ушбу бахони (ечимни) таъминловчи a_{31} элемент ўйиннинг эгар нуқтаси ва A_3 ва B_1 стратегиялар оптимал стратегия бўлади.

Агар ютуқлар матрицаси эгар нуқтага эга бўлмаса, у холда махмин ва минимах усуллар билан ўйиннинг ечимини топиб бўлмайди. Бу ҳолда ўйиннинг ечимини топишда аралаш стратегиялардан топилади. I ўйновчининг аралаш стратегияси деб компонентлари қуйидаги

$$\sum_{i=1}^{m} x_i = 1, x_i \geq 0, \quad i = \overline{1,m} \qquad (4)$$

шартларни қаноатлантирувчи $X = (x_1, x2, \ldots, x_m)$ векторга айтилади. Бунда ҳар бир x_i I ўйинчининг A_i юришни танлаш эҳтимолини билдиради. II ўйинчининг аралаш стратегияси деб компонентлари қуйидаги

$$\sum_{j=1}^{n} y_j = 1, x_y \geq 0, \quad j = \overline{1,n} \qquad (5)$$

шартларни қаноатлантирувчи $Y=(y_1,\ y_2,\ \ldots,\ y_n)$ векторга айтилади. Бунда ҳар бир y_j II ўйинчининг B_j юришни танлаш эҳтимолини билдиради.

Аралаш стратегиялар усулида I ўйинчи A_i юришни танлаб, II ўйинвчи B_j юришни танлагандаги I ўйинчининг ютуғи сифатида унинг ютишининг математик кутилиши олинади, яъни у қуйидагига тенг бўлади

$$V = \sum_{i=1}^{m} \sum_{j=1}^{n} a_{ij} x_i y_j \qquad (6)$$

Агар I ўйинчи ўзининг $X^* = (x^*_1,\ x^*_2,\ \ldots,\ x^*_m)$ оптимал стратегиясни қўлласа, у ҳолда II ўйинчи қандай стратегияни танлашидан қатъий назар, унинг ютуғи ўйиннинг бахоси V дан кам бўлмайди, яъни

$$\sum_{i=1}^{m} a_{ij} x_i^* \geq V, \quad j = \overline{1,n} \qquad (7)$$

Худди шунингдек, агар II ўйинчи ўзининг

$Y^* = (y^*_1,\ y^*_2,\ \ldots,\ y^*_n)$ оптимал стратегиясини қўлласа, у ҳолда I ўйинчи қандай стратегияни танлашдан қатъий назар, унинг ютқазуви ўйиннинг баҳоси V дан ошмайди, яъни:

$$\sum_{j=1}^{n} a_{ij} y_j^* \leq V, \quad i = \overline{1,m} \qquad (8)$$

Ўйинлар назарияси масаласини чизиқли программалаш масаласига келтириб ечиш методикаси.

Энди матрицали ўйинни чизиқли программалаш усули билан ечиш жараёнини кўрамиз. Энг аввал I ўйинчининг оптимал аралаш стратегияси ва ўйининг баҳоси V ни топамиз. Унинг учун (7) тенгсизликлар системасини ва (4) шартларни умумлаштириб, қуйдаги кўринишда ёзамиз:

$$\begin{cases} a_{11}x_1 + a_{21}x_2 + \cdots + a_{m1}x_m \geq V \\ a_{12}x_1 + a_{22}x_2 + \cdots + a_{m2}x_m \geq V \\ \cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots \\ a_{1n}x_1 + a_{2n}x_2 + \cdots + a_{mn}x_m \geq V \end{cases} \qquad (9)$$

$$x_1 + x_2 + \cdots + x_m = 1 \qquad (10)$$

$$x_i \geq 0, \quad i = \overline{1, m} \qquad (11)$$

Уйиннинг баҳоси V ни мусбат деб ҳисоблаб, ($V>0$) (9) системанинг ҳамма тенгсизликларини V габўлиб қуйидаги система ҳосил қиламиз:

$$\begin{cases} a_{11}t_1 + a_{21}t_2 + \cdots + a_{m1}t_m \geq 1 \\ a_{12}t_1 + a_{22}t_2 + \cdots + a_{m2}t_m \geq 1 \\ \cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots\cdots \\ a_{1n}t_1 + a_{2n}t_2 + \cdots + a_{mn}t_m \geq 1 \end{cases} \qquad (12)$$

$$t_1 + t_2 + \cdots + t_m = \frac{1}{V}, \qquad (13)$$

$$t_i \geq 0, \quad i = \overline{1, m} \qquad (14)$$

бу ерда $t_i = \dfrac{x_i}{V}, i = \overline{1, m}$ (15)

I ўйинчи ўз ютуғини, яъни ўйиннинг баҳоси V ни максимум қилишга ҳаракат қилади. Демак, I ўйинчи учун

$$t_1 + t_2 + \cdots + t_m = \frac{1}{V},$$

энг кичик (минимум) қиймат қабул қилиш керак. Ушбу талабларда (12) - (14) система қуйидаги чизиқли программалаш масаласига айланади:

$$\begin{cases} a_{11}t_1 + a_{21}t_2 + \cdots + a_{m1}t_m \geq 1 \\ a_{12}t_1 + a_{22}t_2 + \cdots + a_{m2}t_m \geq 1 \\ \dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots \\ a_{1n}t_1 + a_{2n}t_2 + \cdots + a_{mn}t_m \geq 1 \end{cases} \qquad (15)$$

$$t_1 \geq 0, t_2 \geq 0, \dots, t_m \geq 0 \qquad (16)$$

$$Z = t_1 + t_2 + \cdots + t_m \rightarrow \min \qquad (17)$$

Худди шундай йўл билан II ўйинчининг оптимал аралаш стратегияси ва V ўйиннинг баҳосини топиш учун қуйидаги чизиқли программалаш масаласини ечиш керак.

$$\begin{cases} a_{11}x_1 + a_{21}x_2 + \cdots + a_{m1}x_m \geq V \\ a_{12}x_1 + a_{22}x_2 + \cdots + a_{m2}x_m \geq V \\ \dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots \\ a_{1n}x_1 + a_{2n}x_2 + \cdots + a_{mn}x_m \geq V \end{cases} \qquad (18)$$

$$y_1 \geq 0, y_2 \geq 0, \dots, y_n \geq 0 \qquad (19)$$

$$F = \frac{1}{V} = y_1 + y_2 + \cdots + y_n \rightarrow \max \qquad (20)$$

(15)-(17) ва (18-20) масалалар ўзаро иккиланган чизиқли программалаш масалаларидан иборат бўлади. Улардан ихтиёрий бирини ечиб, иккиласини ечимини осонликча топиш мумкин.

2-мисол.

$$\mathrm{A} = \begin{pmatrix} 5 & 3 & 2 \\ 3 & 5 & 5 \\ 6 & 3 & 4 \end{pmatrix}$$

матрицали ўйинни аралаш стратегиялардаги ечимни топинг.

Ечиш. I ўйинчи учун ўйинни чизиқли программалаш масаласига айлантирамиз.

Бунинг учун энг аввал қуйидаги системани ҳосил қиламиз.

$$\begin{cases} 5x_1 + 3x_2 + 6x_3 \geq V \\ 3x_1 + 5x_2 + 3x_3 \geq V \\ 2x_1 + 5x_2 + 4x_3 \geq V \end{cases} \qquad (21)$$

$$x_1 + x_2 + x_3 = 1 \qquad (22)$$

$$x_i \geq 0, \quad i = \overline{1,3} \qquad (23)$$

(21) системадаги ҳар бир тенгсизликнинг икки томонини ($V>0$) га бўлиб ва $t_i = \frac{x_i}{V}$ белгилаш киритиб қуйдаги системани ҳосил қиламиз:

$$\begin{cases} 5t_1 + 3t_2 + 6t_3 \geq 1 \\ 3t_1 + 5t_2 + 3t_3 \geq 1 \\ 2t_1 + 5t_2 + 4t_3 \geq 1 \end{cases} \qquad (24)$$

$$t_1 + t_2 + t_3 = \frac{1}{V} \qquad (25)$$

$$t_i \geq 0, \quad i = \overline{1,3} \qquad (26)$$

Бу системани қуйидаги чизиқли программалаш масаласи кўринишида ёзиш мумкин:

$$\begin{cases} 5t_1 + 3t_2 + 6t_3 \geq 1 \\ 3t_1 + 5t_2 + 3t_3 \geq 1 \\ 2t_1 + 5t_2 + 4t_3 \geq 1 \end{cases} \qquad (27)$$

$$t_i \geq 0, \quad i = \overline{1,3} \qquad (28)$$

$$Z = \frac{1}{V} = t_1 + t_2 + t_3 \rightarrow \min \qquad (29)$$

II ўйинчи учун берилган матрицали ўйин қуйидаги чизиқли программалаш масаласига айланади.

$$\begin{aligned} 5u_1 + 3u_2 + 2u_3 &\leq 1 \\ 3u_1 + 5u_2 + 5u_3 &\leq 1 \\ 6u_1 + 3u_2 + 4u_3 &\leq 1 \end{aligned} \qquad (30)$$

$$u_i \geq 0, \quad i = \overline{1,3} \qquad (31)$$

$$Z = \frac{1}{V} = u_1 + u_2 + u_3 \rightarrow \max \qquad (32)$$

(27)-(29) ва (30)-(32) масалалар ўзаро иккиланган масалалардир. Шунинг учун улардан ихтиёрий бирини ечиб, иккинчисининг ечимини осонликча топиш мумкин.

Биз (30) - (32) масалани симплекс усули билан ечамиз. Бунинг учун уни нормал ҳолга келтириб, симплекс жадвалга жойлаштирамиз:

$$\begin{cases} 5u_1 + 3u_2 + 2u_3 + u_4 = 1 \\ 3u_1 + 5u_2 + 5u_3 + u_5 = 1 \\ 6u_1 + 3u_2 + 4u_3 + u_6 = 1 \end{cases}$$

$$u_j \geq 0, \quad j = \overline{1,6}$$

$$F_{min} = -u_1 - u_2 - u_3$$

Б.в	**С.б**	P_0	**-1**	**-1**	**-1**	**0**	**0**	**0**
			P_1	P_2	P_3	P_4	P_5	P_6
P_4	**0**	**1**	**5**	**3**	**2**	**1**	**0**	**0**
P_5	**0**	**1**	**3**	**5**	**5**	**0**	**1**	**0**
P_6	**0**	**1**	**6**	**3**	**4**	**0**	**0**	**1**
Δ_j		**0**	**1**	**1**	**1**	**0**	**0**	**0**
P_4	0	**1/6**	**0**	**1/2**	**-4/3**	**1**	**0**	**-5/6**
P_5	0	**1/2**	**0**	**7/2**	**3**	**0**	**1**	**-1/2**
P_1	-1	**1/6**	**1**	**1/2**	**2/3**	**0**	**0**	**1/6**
Δ_j		**-1/6**	**0**	**1/2**	**1/3**	**0**	**0**	**-1/6**
P_4	0	2/21	0	0	-25/21	1		-16/21
P_2	-1	1/7	0	1	6/7	0		-1/7
P_1	-1	2/21	1	0	5/21	0		5/21
Δ_j		-5/21	0	0	-2/21	0		

Оптимал ечим:

$$U = \left(\frac{2}{21};\ \frac{1}{7};\ 0\right)$$

$$F_{max} = \frac{1}{V} = \frac{5}{21}$$

$$V = \frac{21}{5}$$

$$y_1 = V \cdot U_1 = \frac{21}{5} \cdot \frac{2}{21} = \frac{2}{5}$$

$$y_2 = V \cdot U_2 = \frac{21}{5} \cdot \frac{1}{7} = \frac{3}{5}$$

$$y_3 = V \cdot U_3 = \frac{21}{5} \cdot 0 = 0$$

$$Y = \left(\frac{2}{5}; \frac{3}{5}; 0\right)$$

Энди I-ўйинчи учун оптимал аралаш стратегияни топамиз. Бунинг учун (30) - (32) масалага иккиланган масала ечимини топамиз:

$$T = (t_1; t_2; t_3) = \left(0; \frac{1}{7}; \frac{2}{21}\right)$$

ҳамда қуйидаги муносабатлар асосида X=(x_1, x_2, x_3) аралаш стратегия топамиз:

$$x_1 = V \cdot t_1 = \frac{21}{5} \cdot 0 = 0 \qquad x_2 = V \cdot t_2 = \frac{21}{5} \cdot \frac{1}{7} = \frac{3}{5}$$

$$x_3 = V \cdot t_3 = \frac{21}{5} \cdot \frac{2}{21} = \frac{2}{5} \qquad X^* = \left(0; \frac{3}{5}; \frac{2}{5}\right)$$

Жавоб:

$$X^* = \left(0; \frac{3}{5}; \frac{2}{5}\right); \; Y^* = \left(\frac{2}{5}; \frac{3}{5}; 0\right) \qquad V = \frac{21}{5}$$

Назорат саволлари

1. Ўйин деганда нимани тушунасиз?
2. Стратегия деб нимага айтилади?
3. Нол суммали жуфтлик ўйин деб қандай ўйинга айтилади?
4. Ўйиннинг қуйи ва юқори чегара баҳоси қандай аниқланади?
5. Қандай ҳолатларда ўйиннинг ечими соф стратегияларда олинади?
6. Қандай ўйинлар жуфт, қайсилари кўплик ўйинлар ҳисобланади?
7. Қандай ўйинлар нол аниқликдаги ўйинлар дейилади?
8. Аралаш стратегия тушунчаси?
9. Чизиқли дастурлаш масаласига ўтишнинг моҳияти?
10. Ўйинлар назариясининг методлари қаерларда қўлланилади?

11. Ҳарбий ҳаракатлар билан боғлиқ қандай масалаларини(ўйинларни) биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ф.И.Перегудов, Ф.П.Тарасенко., “Введение в системный анализ” - Высшая школа - 1989.
2. Оптнер С.Л. “Системный анализ для решения деловых и промышленных проблем” М-1986.
3. Антонов П. “Системный анализ” М-2004
4. Сафаева Қ. ва бошқалар. «МАТЕМАТИК ПРОГРАММАЛАШТИРИШ» фанидан масалалар тўплами. Тошкент, Молия институти. 2003. – 134 б.
5. Сафаева Қ. ва бошқалар. «Математик дастурлаш». Дарслик. Тошкент, Молия институти. 2007. – 308 б.
6. Акулич И.А. Математическое программирование в примерах и задачах. Учебное пособие для вузов. М. «Высшая школа»,1986.
7. Математическое программирование учебное пособие /Под. ред. Кремера Н.Ш.- М.: Финстатинформ, 1996.
8. Фишберн П. Теория полезности для принятия решений. М.: Наука, 1978.
9. Фон Нейман Дж., Моргенштерн О. Теория игр и экономическое поведение. М.: Наука, 1970.
10. Губко М.В. Механизмы управления организационными системами с коалиционным взаимодействием участников. М.: ИПУ РАН, 2003. – 118 с.
11. Губко М.В., Новиков Д.А. Теория игр в управлении организационными системами. М.: Синтег, 2002. – 148 с.

8-Тажриба иши

Табиатга қарши ўйин.

Мақсад: Ўйинлар назарияси методлари ва алгоритмларини қарор қабул қилиш масалаларига тадбиқ қилиш амалиётини ва кўникмасини ҳосил қилиш.

Топшириқлар: 1. Тизимли таҳлил ва ўйинлар назарияси.

2. ютиқлар Матрицаси.

3. тўловлар матрицаси.

4. “Табиат” ва “ўйинчи” тушунчаси.

5. табиатга қарши ўйиннинг моҳияти.

6. Гурвиц, Севидж, Вальд, Лаплас, Байес мезонлари.

Қисқача назарий маълумот

“Табиат”га қарши ўйинда “табиат” ва ечим қабул қилувчи шахс (ЕҚҚШ) қатнашади. Табиатнинг $T_1, T_2, \ldots T_n$ ҳоллари мавжуд бўлиб, уларга қарши ЕҚҚШнинг m-та $A_1, A_2, \ldots A_m$ тадбирлари мавжуд. Табиатга қарши ўйинни қуйидаги матрица кўринишида ифодалаш мумкин:

T_j / A_j	T_1	T_2	…	T_n
A_1	a_{11}	a_{12}	…	a_{1n}
A_2	a_{21}	a_{22}	…	a_{2n}
…	…	…	…	…
A_m	a_{m1}	a_{m2}	…	a_{mn}

Бу ерда a_{ij} - табиатнинг T_j ҳолатига қарши ЕҚҚШнинг A_i чора тадбирини амалга оширгандаги кўрадиган фойдаси ёки зарарини ифодалайди. Агар матрица a_{ij} - фойда (ютуқ) бўлса, у ҳолда бу матрица «ютуқлар матрицаси» дейилади. Агар a_{ij}- ютқазув (зарар)ни ифодаси бўлса. Ушбу матрица «тўловлар матрицаси» деб аталади. «Ютуқлар матрицаси» асосида ЕҚҚШ ўзининг фойдасини максималлаштирувчи йўлни (соф стратегияни) танлайди. «Тўловлар матрицаси» асосида эса у ўзининг зарарини минималлаштирувчи йўлни танлайди. Бундай соф стратегияларни танлаш учун Лаплас, Байес, Вальд Сэвидж ва Гурвиц мезонларидан фойдаланилади.

1. **<u>Лаплас мезонида</u>** табиатнинг барча ҳолатлари тенг эҳтимолли деб ҳисобланади, яъни $P_1 = P_2 = \ldots = P_n = 1/n$
деб қабул қилинади. У ҳолда ЕҚҚШ A_i қўллагандаги ютуғи қуйидагига тенг бўлади:

$$Q_i = \frac{1}{n}(a_{i1} + a_{i2} + \ldots + a_{in}) \ (i = \overline{1,m}) \text{ бўлади.} \ (1)$$

ЕҚҚШ максимал фойда (минимал зарар) берувчини танлайди.

2. **<u>Байес мезонида</u>** табиатнинг ҳар бир T_j ҳолати маълум P_j эҳтимол билан рўй бериши аниқланган бўлади. У ҳолда ЕҚҚШнинг A_i йўлини (стратегияни) танлангандаги ютуғи қуйидагига тенг бўлади:

$$Q_i = a_{i1}p_1 + a_{i2}p_2 + \ldots + a_{in}p_n \ (i = \overline{1,m}) \text{ бўлади.} \ (2)$$

ЕҚҚШ max Q_i (min Q_i) берувчи йўлни танлайди.

3. <u>Вальд мезони</u> максимин - минимакс усулидан иборат. Бунда ЕҚҚШ

max (min a_{ij}) [min (max a_{ij})] (3)

таъминловчи йўлни танланади

4. <u>Сэвидж мезони</u> ҳам минимах - махмин принципига асосланган бўлиб, унда ($\mathbf{a_{ij}}$) - ютуқлар (тўловлар) матрицаси ўрнига «таваккалчилик матрицаси» деб аталувчи ($\mathbf{r_{ij}}$) матрица ишлатилади. Бу матрицани элементлари қуйидагича топилади:

r_{ij}=max a_{ij} – a_{ij}= □ - a_{ij}, агар a_{ij} - ютуқ бўлса, (4)

r_{ij} = a_{ij} - min a_{ij} = a_{ij} - □, агар a_{ij} - ютқазув бўлса, (5)

5. <u>Гурвиц мезони</u> ясама мезондан иборат бўлиб, унга асосан оптимал стратегия сифатида қуйидаги шартни қаноатлантирувчи стратегия танланади.

$\mathbf{a_{ij}}$ - даромадни билдирганда:

$$\gamma = \max_i [\alpha \max_j a_{ij} + (1-\alpha) \min_j a_{ij}], \alpha \in [0,1] \quad (6)$$

$\mathbf{a_{ij}}$ - ютуқни (зарарни) билдирганда:

$$\gamma = \min_i [\alpha \min_j a_{ij} + (1-\alpha) \max_j a_{ij}], \alpha \in [0,1] \quad (7)$$

Бу ерда γ ечим қабул қилиш жараёнини субъектив баҳоловчи параметр. Агар X=1 бўлса вазият оғир бўлган бўлади ва уни тўғрилаш учун чора-тадбирларни қўллаш керак бўлади. X=0 бўлганда вазият жуда яхши ва унга ҳеч қандай чора табдирлар қўллаш зарур бўлмайди.

1-мисол. Қуйидаги ютуқлар матрица кўринишида берилган табиатга қарши ўйинни Лаплас, Вальд, Сэвидж мезонлари ёрдамида ечинг.

T_j / A_i	T_1	T_2	T_3	T_4
A_1	1	5	8	18
A_2	10	6	4	12
A_3	2	1	3	16
A_4	5	13	5	1

Ечиш: Лаплас мезони бўйича ўйинни ечиш учун табиатнинг T_1, T_2, T_3, T_4 ҳолатлари тенг эҳтимол билан рўй беради, яъни $P_1 = P_2 = P_3 = P_4 = 1/4$ деб қабул қилиб қуйидаги жадвални тузамиз:

T_j / A_i	T_1	T_2	T_3	T_4	$Q_i = (a_{i1}+ a_{i2}+\ldots+a_{in})P_i$
A_1	1	5	8	18	8

A_2	10	6	4	12	8
A_3	2	1	3	16	5,5
A_4	5	13	5	1	6
P_i	¼	1/4	¼	1/4	max Q_i=8

Демак, бу усулда ЕҚҚШ энг катта (8) ютуқни таъминловчи A_2 соф стратегияни танлайди.

Вальд мезони бўйича ўйинни ечиш жараёнини қуйидаги жадвалда тасвирлаймиз:

T_j / A_i	T_1	T_2	T_3	T_4	$\min\limits_j a_{ij}$
A_1	1	5	8	18	1
A_2	10	6	4	12	4
A_3	2	1	3	16	1
A_4	5	13	5	1	1
					$\min\limits_i \left(\min\limits_j a_{ij}\right) = 4$

Бу мезон бўйича ҳам энг катта ютуқни таъминловчи стратегия A_2 экан.

Севидж мезонини қўллаб ўйинни ечишдан аввал таваккалчилик матрицасини тузамиз. Унинг элементларини (4) формула ёрдамида топамиз:

T_j / A_i	T_1	T_2	T_3	T_4	$\min\limits_j (r_{ij})$
A_1	9	8	0	0	9
A_2	0	7	4	6	7

A_3	8	12	5	2	12
A_4	5	0	3	17	17
					$\min_i\left(\max_j r_{ij}\right) = 7$

Демак, таваккалчиликдан кўрадиган зарарни минималлаштирувчи энг яхши стратегия A_2 дан иборат экан.

Ушбу ўйин Байес мезони асосида ечиш учун табиатнинг T_1 ҳолати 0,2 эҳтимол билан T_2, T_3, T_4, ҳолатлари эса мос равишда 0,3; 0,4; 0,1 эҳтимоллар билан рўй беради деб фараз қиламиз. У ҳолда ўйинни ечиш қуйидаги жадвалда кўрсатилганидек топилади:

T_j / A_i	T_1	T_2	T_3	T_4	$Q_i = a_{i1}p_1 + a_{i2}p_2 + \ldots + a_{in}p_n$
A_1	1	5	8	18	6,7
A_2	10	6	4	12	6,6
A_3	2	1	3	16	3,5
A_4	5	13	5	1	7
P_i	0,2	0,3	0,4	0,1	$\max Q_i = 7$

Демак, Байес мезони асосида энг оптимал стратегия A_4 экан.

Гурвиц мезонини қўллаш учун ечим қабул қилиш жараёни ўртача, яъни X=0,5 деб қабул қиламиз ва ҳисоблаш жараёнини қуйидаги кўринишдаги жадвалда бажарамиз:

T / A_i	T_1	T_2	T_3	T_4	$\min_j a_{ij}$	$\max_j a_{ij}$	Ўртачаси
A_1	1	5	8	18	1	18	9,5
A_2	10	6	4	12	4	12	8
A_3	2	1	3	16	1	16	8,5

A_4	5	13	5	1	1	13	7
							$\max_i y = 9{,}5$

Ушбу мезон бўйича оптимал стратегия энг катта кўрсаткични берувчи A_1 стратегия эканлиги аниқланади.

Мустақил ечиш учун масалалар.

1. Савдо корхонасида 500 бирлик мавсумий маҳсулот сотилмай қолган бўлсин. Бу маҳсулотнинг олдинги нархи 20 бирликни ташкил этган бўлсин. Энди савдо корхонаси олдида маҳсулотнинг нархини тушириш масаласи турибди. Маҳсулот нархини неча фоизга туширганда корхонанинг кўрадиган зарари минимал бўлади?

Савдо корхонаси маҳсулот нархини 20% (A_1 йўл), 30% (A_2 йўл), 40% (A_3 йўл), 50% (A_i йўл) тушириш мўлжаллайди. Бу йўлларни ЕҚҚШнинг стратегиялари деб қараймиз. «Табиат»нинг иккита йўли бор: 1) Табиатнинг кам эгилувчанлиги (T_1 йўл); 2) Табиатнинг кўп эгилувчанлиги (T_2 йўл). Ана шуларни назарга олиб тўловлар матрицаси тузилсин ва ўйиннинг ечимини турлича мезонлар асосида топилсин.

2. Қуйидаги жадвалда берилган маълумотлар асосида ютуқларни максималлаштирувчи стратегияни Байес мезони асосида топинг:

T_j / A_i	T_1	T_2	T_3
A_1	15	17	20
A_2	25	27	23
P_i	0,2	0,7	0,1

Жавоб:

A_2 ; 26,2

3. Қуйидаги ютуқлар матрицаси ёрдамида берилган ўйинни:

а) табиатнинг турли ҳолатлари номаълум бўлган;

б) табиатнинг турли ҳолатларининг рўй бериши эҳтимоллари P_1=0,5, P_2=0,3 ва P_3=0,2 бўлган ҳоллар учун ечинг.

T_j / A_i	T_1	T_2	T_3
A_1	7	5	6
A_2	9	2	8
A_3	3	5	4
P_i	0,5	0,3	0,2

Жавоб: а) A_2; $6\frac{1}{3}$ б) A_2; 6,7

Назорат саволлари

1. табиатга қарши ўйин тушунчаси?
2. ўйинчининг стратегияси
3. стратегия матрицаси
4. Гурвис мезони
5. Севидж мезони
6. Вальд мезони
7. Байес мезони
8. Лаплас мезони
9. ўйинчининг оптимал стратегияси
10. рўй бериш ҳолатларнинг эҳтимоллиги

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ф.И.Перегудов, Ф.П.Тарасенко., “Введение в системный анализ” - Высшая школа - 1989.
2. Оптнер С.Л. “Системный анализ для решения деловых и промышленных проблем” М-1986.
3. Антонов П. “Системный анализ” М-2004

4. Сафаева Қ. ва бошқалар. «МАТЕМАТИК ПРОГРАММАЛАШТИРИШ» фанидан масалалар тўплами. Тошкент, Молия институти. 2003. – 134 б.
5. Сафаева Қ. ва бошқалар. «Математик дастурлаш». Дарслик. Тошкент, Молия институти. 2007. – 308 б.
6. Акулич И.А. Математическое программирование в примерах и задачах. Учебное пособие для вузов. М. «Высшая школа»,1986.
7. Математическое программирование учебное пособие /Под. ред. Кремера Н.Ш.- М.: Финстатинформ, 1996.
8. Фишберн П. Теория полезности для принятия решений. М.: Наука, 1978.
9. Фон Нейман Дж., Моргенштерн О. Теория игр и экономическое поведение. М.: Наука, 1970.
10. Губко М.В. Механизмы управления организационными системами с коалиционным взаимодействием участников. М.: ИПУ РАН, 2003. – 118 с.
11. Губко М.В., Новиков Д.А. Теория игр в управлении организационными системами. М.: Синтег, 2002. – 148 с.